

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**284** Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-1*

*(2012 йил 2 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги 124-сон «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 202-модда) мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 308-модда) билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 9 июнь,  
17/1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил  
9 июндаги 17/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда  
кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари олти ойлик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.»

2. 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «юридик шахс мақомига эга бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар «кичик корхоналар,» деган сўзлардан кейин «оилавий корхоналар,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 7-банднинг биринчи хатбошиси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори» деган сўзлардан кейин «(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 25-модда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 8-банддаги «(рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 8-сон, 60-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Қуйидаги мазмундаги V боб билан тўлдирилсин:

**«V. Яқуний қоида**

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.»